

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

Бўстон шахри.

2022-йил « _____ » _____

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Эллиққалъа тумани Махалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими номидан Низоми асосида иш кўрувчи О.Кўлүмов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “**KK ARUN STORY**” МЧЖ номидан Низоми асосида иш кўрувчи Р.Аббазов иккинчи томондан Эллиққалъа тумани Ақчақўл ОФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури қурилишига доир пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шарномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчига” берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар- пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш- ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II- ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шарнома шартларига Эллиққалъа тумани Ақчақўл ОФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури қурилишига лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III- ШАРНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 16-август кунги №2 баённома билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 572 800 000 (Беш юз етмиш икки миллион саккиз юз минг) шундан **ҚҚС 15% 74 713 043,48 сўми** ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас , куйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда , санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар , қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши , шартнома мавзуси , субпудратчининг номи ва манзили туғрисида хабардор қилиш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги , ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш , шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш ;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш туғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Қурилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш ;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага , иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш ;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш ;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш ;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10.Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11.Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14.Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдоридан аванс ўтказилади, бу **171 840 000** сўмни ташкил этади, қолган 70 % , яъний **400 960 000** сўм маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар .

18.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар , у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради.Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22.Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X.КАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи :

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини ;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари , қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини ;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларини кўрсатилган сертификацияларга , давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XI.ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди , бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга , қурилиш меъёрлари ва қоидаларига , иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса , у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 % миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

26. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда , мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида , шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

27. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайди.

28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

XII КОРРУПСИЙАГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

29. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди: • қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; • шартнома тузилиши евазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф етилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини; • моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

-Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

-Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайди.

-Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риюя етилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

30. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

31. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

32. Ушбу шартнома туман “Ғазначилик” бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабргача ўз кучида қолади.

33. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

34. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

35. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (3 нусхада) тузилди.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

“БУЮРТМАЧИ”

Махалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими
Бустон шаҳри Ш.Рашидов5 уй
Тел; 585-22-77
Х/р 401722860352507011401259002
Марказий Банк Тошкент
Элликкалга Ғазначилик бўлинмаси
МФО 00014 ИНН 207316609
ОКНХ 90290 ИНН 201122919
23402000300100001010

О.Р.Кулумов

“ПУДРАТЧИ”

ООО “ARUN STORY”
Нукус шаҳри Сунхар 18
Тел; 93 920 18 74
Х/р 2020 4000 826 620 001
Тошкент Кишлк қурилиш банк
МФО 01037 ИНН 305 202 234
ОКНХ

Р.АББАЗОВ



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR
Code ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.

ISMAIL XODJANIYAZOV
KERIMBAYEVICH

Imzolangan sana	23 abr 2022 17:58
Hujjat kodi	BN6254664317
Hulosa kodi	MB4700062365



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi.

ООО“ARUN- STORY” va Ellikqal'a tuman Maxalla va nuroniylarni qo'llab quvvatlash bo'limi o'rtasidagi 2022 yil avgust oyidagi 572 800 000 (besh yuz etmish ikki million sakkiz yuz ming) so'mni tashqil qiladigan pudrat shartnomasini tuzish to'g'risidagi loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Ellikqal'a tuman Maxalla va nuroniylarni qo'llab quvvatlash bo'limi tomonidan 2022 yil 23 - avgust kuni ishlab chiqilgan va dasturga 2022 yil 23- avgustda kiritilgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-436 moddalari hamda 1998 yil 29 avgust kungi 670-I son “Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi qonuni hujjatlarida.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 14.09.2021-yildagi PF-6313-son xo'jalik yurituvchi sub'yektlar tomonidan davlat xaridlari bilan bog'liq tuziladigan shartnomalarda majburiy ravishda korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar belgilanadi. Shartnomaning tarafi va u tomonidan jalb qilingan shaxslar (yordamchi pudratchi tashkilotlar, agentlar va taraflar nazorati ostidagi boshqa shaxslar) tomonidan korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlarga rioya etilmaganda, ikkinchi taraf shartnomani bir taraflama to'xtatib turishga, bekor qilishga hamda zararni qoplab berishni talab qilishga haqli bo'ladi;

Loyixa qonun xujjatlarida ko'rsatilgan talablarga muvofiq ishlab chikilgan qabul qilish maqsadga muvofik.

Markaz bosh yuriskonsul'ti



J.Begmetov.



«Тасдиқлайман»
 Эллиққалъа тумани Махалла ва
 нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими
 бошлиғи
 О.Кулумов
 «19» август 2022 йил

Эллиққалъа тумани Махалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимининг 2022 йил «ОЧИҚ БЮДЖЕТ» дастури учун ажратилган маблағни мақсадга мувофиқ харажат қилиш бўйича тузилган тендер комиссиясининг йиғилиш

БАЁННОМАСИ № 2

Эллиққалъа тумани Махалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимининг 2022 йил «ОЧИҚ БЮДЖЕТ» дастури учун ажратилган маблағга Эллиққалъа тумани Ақчақўл ОФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури тортиш ишлари учун.

Комиссия раиси	О.Кулумов	Бўлим бошлиғи
Комиссия котиби	И.Раджапов	Бош ҳисобчиси
Комиссия аъзоси	И.Ходжаниязов	Бош мутахассис
Комиссия аъзоси	И.Раҳимбаев	Етакчи мутахассис
Комиссия аъзоси	Р.Машарипов	Хўжалик мудир
Комиссия аъзоси	Ж.Сатимов	Кадрлар буйича бош мутахассис

Тингланди

1. Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил харажатлар сметасида белгиланган маблағдан Эллиққалъа тумани Ақчақўл ОФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури қурилиш ишларини бажариб берувчи ташкилотлардан келиб тушган баҳолар, шу қурилиш баҳоларини аниқлаш мақсадида қўйидаги КК ARUN STORY МЧЖ, NUKUS ELERTROMONTAJ МЧЖ лар тақдим қилган тижорат таклифлари кўриб чиқилди.

Ушбу таклифлар бўйича комиссия Эллиққалъа тумани Ақчақўл ОФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури тортиш ишларини №134698 сонли лотга 2022 йил 16-август кунги баённома билан КК ARUN STORY МЧЖ энг яхши таклифни танлаш ёлиби болиб бу юзасидан 2 (икки) иш куни муҳокамада турди ва ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмади.

Унга кўра қўйидаги Товар (иш хизмат)ва маҳсулотлар етказиб берувчилардан қўйидагича таклифлар тушди:

№	Товар иш хизматлар номи	Лот номери санаси ва бошланғич суммаси	Миқдори	КК ARUN STORY МЧЖ	NUKUS ELERTROMONTAJ МЧЖ	
Ташкилот манзили:				Нукус	Нукус	
Ташкилот СТИРИ				305202234	200355984	
1	Ақчақўл ОФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури тортиш	Лот № 134968 573 404 821 сўм	1	572 800 000	573 404 000	
2	Умумий бал			96.8	93.6	
ЖАМИ:				572 800 000	573 404 000	
Алоҳида шартлар				Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади.		

Комиссия раиси О.Кулумов сўзга чиқиб, бу ташкилотлар ичида КК ARUN STORY МЧЖ Ақчақўл ОФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури тортиш ишларини, қисқа муддатларда сифатли ва мустахкамлигига кафолатини беришини айтиб ўтди ва 2 (икки) иш куни муҳокамаси яқунланиб ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмагани сабабли

Қарор қилади :

1. КК ARUN STORY МЧЖ Ақчақўл ОФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури тортиш ишларини арзон сифатли ва мустахкамлигига кафолатини беришни инобатга олиниб, шу корхона билан шартнома тузилсин.


2. Ушбу Эллиққалъа тумани Ақчақўл ОФЙда Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида юқори босимли газ қузури тортиш ишлари сифатини назорат қилиш ва ушбу қарорнинг бажарилиши ҳамда қурилиш ишларини қабул қилиб олиш Ақчақўл овул фуқаролар йиғини раиси Юлдашев Жамоладдинга юклатилсин.

3. Ушбу қарорга асосан икки томонлама шартнома тузиш бош ҳисобчиси И.Раджапов ва белгиланган маблағни пул ўтказиш йўли билан ўз вақтида амалга ошири юклатилсин.

Комиссия аъзолари :



И.Раджапов



И.Ходжаниязов



И.Рахимбаев



Р.Машарипов



Ж.Сатимов